



2016 йил «Н» июн

№ 469-Н

“Golden sand mine” масъулияти чекланган жамиятига
4,0 гектар ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 25-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги №146-сонли “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд туманидаги “Golden sand mine” масъулияти чекланган жамияти директори П.К.Якубовнинг хатини кўриб чиқиб, Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги Қонунига асосланиб,
ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “Golden sand mine” масъулияти чекланган жамиятига бентонет қазиб олиш учун Нуробод тумани Жаркудук массиви тоғ тизмаси ҳудудидаги №1621к-1718к-контурда 4,0 гектар яйлов ер майдони 1 (бир) йил муддатга ажратиб берилсин.

2. “Golden sand mine” масъулияти чекланган жамияти директори П.К.Якубовга фойдаланиладиган ер майдонларидан қазиб олиш ишларини амалдаги қонунлар асосида бажарилишини ҳамда солиқ тўловларининг расмийлаштирилишини таъминлаш топширилсин.

3. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф.Эргашев), туман табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси (А.Турсунов) га қазиб олиш ишлари бажарилгандан сўнг қайта тиклаш (рекультивация) ишларини белгиланган тартибда амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари (Б.Тожиёв) зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими в.б



Б.Эргашов